


7
У-44



ЧИНГИЗ АХМАРОВ

Ҳар бир қилқаламнинг санъатда тутган ўрни бўлади. Санъаткорни хотирлаганингизда беихтиёр унинг меҳр қўри билан сайқал берган энг манзур асарлари кўз олдингизда жонланади ёки аксинча. Деворий ҳамда дастгоҳли расмларини вақт-вақти билан кўриб турмасангиз хумориси тутадиган монийсифат тасвир усталаридан бири ЎзССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти ҳамда Ҳамза мукофоти лауреати, профессор Чингиз Абдурахмон ўғли Аҳмаровдир. ЎзССР Маданият министрлиги Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг катта илмий ходими Абдулҳай Умаровнинг қўлингиздаги рисоласида ана шу улкан истеъдод эгасининг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида қисқача ҳикоя қилинади.



340903

А. УМАРОВ

ЧИНГИЗ АҲМАРОВ

ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙЎЛИ ҲАҚИДА ОЧЕРК

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САҲЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1974

340903

ОПИ АНО

Фундаментальная
БИБЛИОТЕКА
ТашСХИ

Монументалист рассомнинг асарини солномачининг китобига қиёс қилса арзийди. Солномачи ўзи яшаб ўтган даврда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни ёзиб қолдиради, ундан келажак авлоднинг воқиф қилади. Деворий суратлар ишловчи рассом эса, муҳим воқеаларни қаср ҳамда кошоналарнинг деворига рангли бўёқлар воситаси-ла нақш этади, бу бўёқлар бизни ўша давр тасвирий санъатининг ўзига хос жиҳатлари, анъаналари билан таништиради.

Ўтмишимизнинг жонли гувоҳларидан бири бўлган Афросиёба ва бошқа жойлардаги қазилмаларда топилаётган деворий суратлар кимнинг эътиборини тортмаяпти, ҳайратга солмаяпти, фахрлантирмаяпти. Бой тарихимизни қайта тилга киритаётган археологларимиз бундай мўъжизаларни кўплаб кашф этмоқдалар, халқимизнинг моддий-маданий ёдгорликларини қайта тикламоқдалар.

Соҳиби қилқаламлар ўтмишда киши кўрганида таҳсин ўқийдиган деворий расмларни, безакларни кўплаб ишлаганлар, улардан маълумларининг муборак номларини ҳурмат билан эслаймиз. Шундай монийсифат замондош рассомлардан бири Чингиз Аҳмаровдир. Биз унинг мўйқаламида жило топган нафис деворий расмларни қаерда кўрмайлик, мафтун бўламиз, унга қайта-қайта боқамиз.

Бир воқеа ҳамон кечагидек кўз олдимда. 1969 йилнинг наврўзи айёми... Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида республика ижодий союзларининг қўшма пленуми ўз ишини тугатай деб қолган сониялар... Шу аснода президиум ҳайъатининг раиси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреатлигига мушарраф бўлган ижодкорларни тақдирлашни маълум қилади. Серқуёш диёримиз маданияти ва санъатининг фахри бўлмиш сўз, қалам, мўйқалам усталари бирин-кетин минбар ёнига чиқиб, олий мукофотни қабул қиларканлар залдагилар уларни ҳар сафар узоқ олқишла-

дилар. Нотиқ монийсифат тасвир устаси Чингиз Аҳмаровнинг номини эълон қилар экан, зал яна оёққа туриб олқишлади. Ёнимда ўтирган болтиқбўйилик меҳмоним:—бу ким, нимаси билан машҳур?—деб сўраб қолди шунда. Мен жавоб қайтаришга манзур сўз тополмай, анча ҳаялладим. Менимча, бу савол Чингиз Аҳмаровнинг ўзига берилса, у ўзи ҳақида буюк Алишер Навоий фахрланиб қаламга олган Монийнинг сўзлари билан:

Кўп билик бирла хотирим маъмур,
Лек тасвир ила бўлиб машҳур,—

деб жавоб қайтарса, муболаға қилмаган бўлур эди, деб ҳаёлимдан ўтказдим. Чини билан, Чингиз Аҳмаров ҳам зукко санъатшунос, ҳам таниқли мураббий—профессор. Айни чоқда ўзбек миллий тасвирий санъатини юксак поғоналарга кўтаришдаги улкан хизмати учун Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати ҳамда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреатига муяссар бўлган қилқалам соҳибидир...

Чингиз Аҳмаров 1912 йили Ўрол тоғи яқинидаги Троицк шаҳрида дунёга келди. Аҳмаровнинг хонадони Шарқ, хусусан Ўрта Осиё халқларининг тарихи, маданияти, бадий ижоди, айниқса санъати ва адабиётига ихлоси баланд бўлган, уларни қизиқиб кўзатган оила эди. Оиланинг бундай билимдон бўлишида катта хусусий кутубхона самарали ёрдам берди. Кутубхонада қадимги қўлёзма ва тошбосма китоблар кўп эди. Бўлажак рассомнинг отаси Абдурахмон ҳожи саёҳатни ниҳоятда севган. У Туркия, Саудия Арабистони, Миср, яқин Шарқ мамлакатларига қилган сафарларида (Абдурахмон ҳожи катта бир савдогарнинг ишончли одами ва вакили сифатида иш юритган), Туркистондаги зиёратлари вақтида осоратиқалар, буюмлар, китоблар йиғишга алоҳида аҳа-

мият берган. Абдурахмон ҳожи сафардан қайтгач, кўрган-билганлари ва эшитганларини оила аъзоларига ҳар сафар ҳаяжонланиб ҳикоя қилиб берарди. Чингизда яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш ўша кезларда ниш урганди.

1927 йили Аҳмаровлар оиласи Қарши шаҳрига кўчиб келади. Чингиз эса ўша пайтда Пермь шаҳридаги тасвирий санъат билим юртида таҳсил кўра бошлайди. У таътилни Қарши ва Самарқандда ўтказиб, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг ажойиб ҳаёти ва ҳунармандчилиқ санъатини синчиклаб ўрганади, кўрган-билганларини машқ сифатида эскизларида ифодалайди. Айниқса, Ўзбекистоннинг ўзига хос табияти, латофати, турли бозорлари, карвонсаройлар, меъморчилик обидалари унда бир умрга унутилмас таассурот қолдиради. Айни изланиш кезларида буюк инқилобдан кейин содир бўлган янгиликлар—қизил чойхона, клуб, янги жамият одамлари сиймоси ҳам унинг асарларида ўз ифодасини топади. Сирасини айтганда, бўлажак рассомнинг илк асарлари ўзбек диёрида туғилди, бу илк машқлар уни катта санъат йўлига дадил етаклади.

Чингиз Аҳмаровнинг ҳар бир асарини, хусусан деворий расмларини кўздан кечирган томошабин ҳаёт гўзаллигининг, инсон нафосатининг куйчиси бўлган бу санъаткорга офарин демай ўтмайдиган бўлди. Бу гўзаллик, бу нафосат унинг ифодали, мусиқавий чиқиқларида ўзини кўз-кўз қилди. Сидқидилдан қилинган машқлар унга аста-секин шуҳрат келтира бошлади.

1928 ёки 1929 йилларда Чингиз Қаршида чизган бир неча расмларини «Янги йўл» журнаliga юборди. Лекин редакция коллективидан ҳа деганда жавоб бўлавермайдди. Бир неча йил кейин у Тошкентда истиқомат қилиб юрган кезларида редакцияга кириб, журнал рассоми А. Николаев (Уста Мўмин)дан

расмларининг чоп этилмаганлигининг сабабини суриштиради. Бунинг боиси шундай экан: ёш Чингиз чизган расмлар бадний баркамол бўлганлигидан Уста Мўмин уни бирор етук санъаткорнинг асаридаг кўчирилган нусха бўлса керак, деб тахмин қилибди.

1930 йили Чингиз Аҳмаров Пермь бадний билим юртини тамомлаб Қаршига қайтади. Аҳмаровлар оиласи ўша йилнинг ўзидаёқ Самарқандга кўчиб келади. Ёш санъаткорнинг болалигида қилган орзуси амалга ошади. Халқ амалий санъати асарларига ҳамда буюк тарихий меъморчилик обидаларига бой бўлган Самарқанд Чингизга битмас-туганмас илҳом бағишлади, деворий расмлар чизишга бўлган ниятининг амалга ошишида муҳим омил бўлди.

— Бадний билим юрти менга фақат тасвирий санъат асосларини ўргатди, ҳаётга йўллади. Самарқанд эса мени рассом бўлиб етишишимга замин бўлди,— дейди Чингиз Аҳмаров.

Ёш санъаткор бу сўзлари билан унга тасвирий санъат алифбосини ўргатган, қўлига мустақил мўйқалам тутишга йўллаган устозларига ҳурматсизлик қилаётгани йўқ, албатта. Бироқ ўша кезларда формалистик йўналишга берилган ўқитувчилар шогирдларини ҳақиқий ҳаётини асарлар яратишга руҳлантира олмаганлар. Бунинг Чингиздан бир неча йил муқаддам Пермь бадний билим юртида таҳсил кўрган, бироқ ўқув программасидан қаноатланмай, Москвадаги ВХУТЕМАСга кетиб қолган, кейинчалик Ўзбекистонда яшаб, ижод қилиб келаётган республика халқ рассоми Надежда Кашина ҳам тасдиқлайди.

Ҳа, бўлajak рассомни дунёга машҳур Самарқанд, унинг жозибador гўзаллиги, ақл бовар қилмайдиган меъморчилик санъати, ўтмиш маданияти, замон довулларида бардош берган қадимий ҳамда навқирон қиёфаси мафтун этди, тарбиялади. Қўлига воқеликни ҳаққоний куйлайдиган мўйқаламни тутқазди. Аҳмаровни бунёдкор, санъат шайдоси бўлган меҳнатсевар

Самарқанд аҳли, унинг қўли гул усталари рассом бўлиб етишишида раҳнамолик қилишди.

Чингиз Аҳмаров Самарқандда ижодий фаолиятини бошлаган кезларида, бу муаззам шаҳар ўзбек совет миллий санъатининг ҳам йирик ўчоқларидан бирига айланган эди. Бунда юзларча машҳур заргару каштачи, мискару кулол ижод қилар, қанчалар ўймакору наққошлар қадимий меъморчилик обидаларини таъмир этиш билан машғул эдилар.

1930 йили шу ерда очилган бадний билим юртининг донғи мамлакатга ёйилди. Бу билим даргоҳида Фақат Ўрта Осиёдангина эмас, балки Совет Иттифоқининг бошқа кўпгина шаҳарларидан келган санъат шайдолари ҳам таҳсил кўришди. Бу ерда ўша кезлари ўз асарлари билан ном таратган ижодкорлардан Павел Бенъков ва Зинаида Ковалевская сингари мўйқалам усталари устозлик қилишарди.

Кўпчилик рассомлар шаҳарда янги ташкил топган «Тасвирий санъат фабрикаси»да хизмат қилишди. Булар орасида фабрика раҳбари Оганес Татевосян, сергайрат, изланишдан толмайдиган Надежда Кашина, тим қора соқоли ва узун тўн кийиши билан бошқалардан ажралиб турадиган Р. Акбальян, сўзга устомон Варшам Еремян, вазмин табиатли Е. Савинлар Чингиз Аҳмаровнинг эътиборини торттишди. Ана шу қилқаламларнинг яратган асарлари, ижод жараёнидаги изланишлари, ёш Чингизга катта мактаб вазифасини ўтади. Айниқса, Варшам Еремяннинг ижодий фаолияти уни ҳаяжонлантирди.

Қалдирғоч расмлари билан эътиборга тушиб қолган Чингиз ҳам «Тасвирий санъат фабрикаси»да ижодий фаолиятини бошлади. Фабрикадаги рассомлар совет воқелигини тараннум этувчи чинакам реалистик асарлар яратишга интилишган ва бу борада жиддий ижодий ютуқларга эришишган (шундай фабрика ўша йили Тошкентда ҳам ташкил этилган). Рассомлар асарларини кўргазма ёки музей залларида

намойиш қилиш учунгина эмас, балки ундан кенг омани баҳраманд этиш ниятида сидқидилдан фаолият кўрсатганлар. Улар тасвирга туширган расмлар, турли саноат ўчоқлари ва дала шийпонларида, клуб ва чойхоналарда, жамоатчилик жам бўладиган жойларда намойиш қилинган. Улар асарларида буюк инқилоб келтирган улугвор самараларни кўз-кўз қилишга интиланлар.

«Тасвирий санъат фабрикаси»да чиқарилган бадий маҳсулотлар орасида деворий газета ва жанговар варақалар, шиор ва «Хурмат тахта»лари, панно ва деворий расмлар асосий ўринни эгаллаган. Бундай асарларда янги социалистик тузумнинг афзалликлари, қудрати буюк инқилоб туфайли меҳнаткашлар ҳаётида юз берган қувонарли янгиликлар, илғорларнинг иш тажрибалари тарғиб қилинади. Масалан, Чингиз Аҳмаров тасвирлаган паннолардан бирида темир йўлни шикастлантираётган синфий душманни жиловлаган совет ишчисининг забардаст қўли жонли тасвирланган. Одатда, жанговар варақа ёки деворий газеталарда дангаса ва ишёқмаслар ўша кезларда тошбақа тимсолида, илғор ва зарбдорлар автомобиль, самолёт, паровоз тимсолида ифодаланган. Бундай ишларни амалга оширишда ёш Чингиз ҳам ўзининг муносиб улушини қўшди.

Тасвирий санъатга ихлос қўйган Чингиз Аҳмаровни ўша йиллари кўпроқ рассомлик санъатининг монументал формаларидан бири бўлмиш — деворга расм чизиш соҳаси жалб этади. Деворий, монументал-безатувчи санъат деганимиз нима ўзи? Тасвирий санъатнинг бу тури ўзича мустақил бўлмай, бир ерда, яъни деворда тасвирланади. Музей ёки кўргазма залларида фақат унинг эскизигина намойиш қилиниши мумкин. У алоҳида бино ёки бирор кошонанинг девори учун махсус ишланган, шу бинонинг бадий сайқалига узвий боғланган, унинг бадийлиги ҳамда таъсирчанлигини янада оширадиган тасвир асарини

дир. Бундай асарлар одатда маданият саройлари ва клуб, чойхона ва ресторан, театр ва кинотеатр, маъмурий ва жамоатчилик биноларининг фойе ва заллари деворларига, пештоқларига, шифтларига ишланади. Баён қилинган расмлар катта ҳажмли, бино архитектурасининг услубига хос, унинг умумий безагига мос тушиши туфайли бундай асарларни монументал-безатувчи рассомлик асари деб юритилади. Бироқ, деворий расмларнинг монументаллиги фақат ҳажмининг катталигидангина белгиланмайди. Монументал-безатувчи деворий расмлар (шу хилдаги ҳайкалтарошлик асарлари каби) танланган мавзу, тасвирланган лавҳа, яратилган образлар, уларда баён этилган фикр ва ғоялар одатда катта, мазмунан чуқур, давр ўтиши билан ўзининг муҳимлиги, фалсафий мушоҳадасини йўқотмаслигида ҳамдир¹.

Бундай асарларнинг монументаллиги яна шундаки, улар одатда пишиқ, ўз рангини даврлар ўтиши билан йўқотмайдиган материаллар ёрдамида ишланади.

Монументал-безатувчи санъат асарлари тасвирий санъатнинг энг халқчил ва оммабоп турларидан биридир. Чунки, бу турдаги ҳайкал, безак ва расмлар доимо одамларнинг назарида бўлади. Шу туфайли бундай асарлар катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бинобарин кишилик жамияти санъатнинг бу туридан қадим замонларданоқ кенг фойдаланган. Башарият тарихи, хусусан, тасвирий ва меъморчилик санъати солномасига назар ташласак, монументал-безатувчи санъат юксак поғоналарга кўтарилган даврларни кўп учратамиз. Қадимги Мисру Юнонис

¹ Монументал-безатувчи санъат асарлари бирор аниқ мавзу, кўриниш ёки лавҳани ифода этиши шарт эмас. У нақш, безак сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай асарларнинг у ёки бу тарзда бўлиши бино меъморининг мақсадига, бинонинг характерига боғлиқ.

тон, Ҳиндистону Румо тарихи, Уйғониш давридаги Италия, Урта асрлардаги Европада монументал-безатувчи санъат соҳасида киши ақлини лол қолдирадиган асарлар кўплаб яратилган. Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон санъати тарихида ҳам монументал-безовчи санъатнинг нодир, оламшумул намуналари намоён бўлган. Тупроққалъа-ю Вараҳша, Холчаёну Афросиёб археологик қазилмалари вақтида топилган безатувчи ҳайкал ва деворий расм, тасвиру нақшлар, Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкентдаги қадимий меъморчилик ёдгорликларининг тасвирий ҳамда нақшинкор безакларини айтмайсизми!

Улар ҳам фақат биноларни безатибгина қолмасдан ёки уларнинг салобатли кўриниши, мутаносибликлари, архитектоникасинигина аниқлаб қолмай, балки маълум образ, гоя ва фикрларни бадий йўл билан кенг тарғиб этишда муносиб хизмат қилган.

Тасвирий санъатнинг, хусусан, монументал-безатувчи санъатнинг қудрати тарбиявий кучи ва аҳамиятини чуқур ҳис этган улуғ доҳий В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кезларидаёқ бу санъатдан революция ва Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун фойдаланиш зарурлигини алоҳида уқтирди.

«1918 йилдаёқ,— деб ёзган эди А. В. Луначарский ўзининг «Ленин ва санъат» мақоласида,— Владимир Ильич мени ўз ҳузурига чақириб, санъат асарини тарғибот воситаси сифатида илгари суриш зарурлигини айтган эди. Уша йилнинг ўзидаёқ «Монументал-тарғибот» деб аталувчи тарихий декрет эълон қилинди. Бу декрет тарихга ленинча монументал тарғибот номи билан кириб келди ва у ҳозирги кунда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Монументал тарғибот ҳақидаги бу тарихий декрет эълон қилинган кунданоқ у ҳаётга кенг татбиқ этила бошланди. Бироқ, буюк инқилобнинг тўнғич йилларидаги интервенциялар, Гражданлар уруши,

ёш Совет ҳокимиятининг иқтисодий жиҳатдан анча заифлиги, қурилиш ишларининг кенг кўламда олиб борилмаганлиги боисидан тасвирий санъатнинг монументал формаларининг ривожланишида анча қийинлик туғдирди. Чунки, бундай асарлар катта маблағ, махсус қимматбаҳо материалларни талаб қиларди. Шу сабабдан баъзи жойларга ўрнатилган ёдгорликлар ҳамда безатувчи ҳайкаллар гипс ёки бетондан ишланди. Монументал рассомчилик асарларининг ўрнини эса вақтинча мато ёки фанерга чизилган, байрам ва тантанали кунларда кўча ҳамда майдонларни, биноларнинг ташқи деворига илинадиган катта панно ва плакатлар эгаллади.

1930 йилларга келиб, Совет ҳокимияти қаддини ростлаб олди. Ишчи ва деҳқонлар тўнғич беш йилликларга мўлжалланган улуғвор режаларни муваффақиятли амалга оширдилар. Иқтисодий ютуқлар қўлга киритилди. Бу улкан ғалабалар мамлакатимизда ленинча монументал тарғиботнинг тез кўламлар билан ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқлар қайта реконструкция қилина бошланди, жойларда кўплаб маъмурий ҳамда жамоат бинолари қад кўтарди. Ўз навбатида монументалист рассомлар ҳам бирин-кетин бўй кўрсатдилар. Мамлакатимизда монументал санъатнинг ривожланишига меҳнаткашлар онгида юз берган янгича ўзгаришлар, уларнинг билимга, маданият ва санъатга бўлган интилишлари ҳам сабаб бўлди. Меҳнаткаш омманинг тасвирий санъат асарларига, хусусан монументал-безатувчи расмларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тасвирий санъат тўғарақлари ва билим юртларини, музей ва кўргазмалар миқдорини оширишнинг ўзигина кифоя қилмади. Бу соҳада кўплаб профессионал рассомларнинг етишиб чиқишини, уларнинг воқелигимизни реалистик тасвирлайдиган санъат асарларини кўплаб ижод қилишларини жўшқин ва фаровон ҳаётнинг ўзи тақозо этди.

Кўпгина рассомлар замон талаби билан монументал санъатни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга сидқидилдан киришдилар. Худди шу йиллари ўзбекистонлик рассомлардан Б. Ҳамдамий, А. Волков, А. Подковиров, Ў. Тансиқбоевлар ўзларининг ilk деворий расмларининг эскизларини чизишди, монументал панно ва деворий расмларини яратишди.

Самарқанд рассомлари орасида ҳам монументал рассомликка ихлос қўйган ижодкорлар оз эмас эди. Санъаткорлардан Е. Коровай, Р. Акбальян, В. Савинлар алоҳида фаолият кўрсатишди. Айниқса, Москвадаги ВХУТЕМАС олий бадий ўқув юртининг монументал санъат бўлимини тугаллаган рассом В. Савин алоҳида жонкуярлик қилди. Бу санъаткор рассом Чингиз Аҳмаровнинг ҳам яқин дўстларидан бўлган. Улар шаҳар ва қишлоқларни биргаликда кезишди, биргаликда кўплаб этюд ва эскизлар чизишди. Ана шундай кезларда В. Савин Чингизга монументал санъатнинг ўзига хос сири ҳақида, унинг тарихи, нодир намуналари, қонуниятлари тўғрисида билганини ўргатди, касбдошининг қалбида тасвирий санъатнинг ана шу соҳасига янада қизиқиш ва муҳаббат уйғотди. Чиндан ҳам В. Савин монументал тасвирий санъатнинг жонкуяри эди. 1939 йилда В. Савин Ўрта Осиёда ягона бўлган Самарқанд монументал санъат устахонасини очганлиги ва унга бошчилик қилганлиги унинг бу соҳанинг ривожига салмоқли ҳисса қўшганлигининг ёрқин исботидир.

Дарҳақиқат, Чингиз Аҳмаровнинг тўнғич монументал асарларининг дунёга келишида, кейинчалик унинг профессионал монументалист рассом бўлиб етишишида устози В. Савин самарали таъсир кўрсатди. Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, унинг чинакам монументалист рассом бўлиб бўй кўрсатишида Самарқанддаги обидаларга ишланган асарлар ҳам муҳим омил бўлди. Қадимги ноёб сиркор ва кошинкор монументал нақшин безакларга, гўё зардўзи

либосларга, беқасам тўнларга ўралган меъморчилик ёдгорликлари, бутун Шарқда монументал-безатувчи санъатнинг юксак чўққиси бўлиш меъмор, кулол, наққош, сиркорлар ижодининг ҳайратомуз намуналари Чингиз Аҳмаровни деворий расмларнинг моҳир наққоши бўлишга ундади. Шу боисдан ҳам Аҳмаровнинг дебоча монументал расмлари ана шу шаҳри азимда дунёга келди, ундаги баъзи биноларни безатди.

Чингиз Аҳмаровнинг бу соҳада яратган қалдирғоч асари «Тасвирий санъат фабрикаси»нинг раҳбари О. Татевосяннинг ёш рассомни синаб кўриш учун берган буюртмаси бўлди. Чингиз мазкур деворий расми эскизида ўйин билан машғул бўлган уч бола-ни тасвирлади. Санъаткорнинг ўша кезларда яратган деворий расмлари, болалар боғчаси, клуб, қизил чойхоналарнинг деворларига мўлжалланган бўлиб, рассом уларда янгича ҳаёт лавҳаларини кўрсатишга интилган. Масалан, қизил чойхоналардан бирининг деворига туширилган расмда икки колхозчи — эркак ва аёл кетмон кўтариб, трактор ортидан шахдам одим ташлаб бораётгани ифодаланган. Мазкур тасвир яхлит ва содда, ҳажман кичкина, ясси берилган бўлиб, унинг ифода воситалари гражданлар уруши йилларидаги «РОСТА ойнаси»даги баъзи плакатларни эслатади. Аммо, мазмунан ва услуб жиҳатидан замонавий бўлса ҳам, ижодкор бу деворий расмда қадимий ва анъанавий ўзбек монументал-безатувчи санъатидаги бадий мероснинг ўзига хос хусусиятларидан ижодий фойдаланади. Мазкур деворий расмнинг декоративлиги, девор сатҳига монандлиги ва айниқса тасвири бир хил рангда — тўқ кўк рангда беришида пахса девор рангидан фон сифатида ўринли фойдаланганлиги унинг изланувчанлигидан далолатдир. Натижада бу расм қадимги пишиқ гишда қўрилган биноларнинг қизғиш фонида кўк, мовий рангдаги сиркор кошинлардан терилган безакларни эслатувчи

асар бўлиб чиқди. Бу нарса унинг ўзбек монументал-безатувчи санъатининг бой меросидан ижодий фойдаланишга киришганлигининг далилидир.

1932—1934 йилларда Ч. Аҳмаров «Тасвирий санъат фабрикаси»даги буюртма ишлардан ташқари ўзи мустақил асарлар яратиш билан ҳам шуғулланди. Ўзбекистонлик ёзувчиларнинг китобларига бадиий сайқал берди, «Ёш ленинчи» ва «Колхоз йўли» газеталарида, «Муштум» ҳамда «Машъала» журналларида турли маззуларга бағишланган расмлари билан қатнашди. Рассомнинг сураткашлик асарлари ўз қаҳрамонларининг характерини, ички руҳий оламларини яхши тушунганлиги, ишонарли ифодалаганлиги билан ажралиб туради. Масалан, Ч. Аҳмаровнинг Гайратийнинг «Менинг ёшлигим» ҳамда Шокир Сулаймоннинг «Ли Чув» китобларига ишлаган безаклари, «Қиз портрети», «Ўқувчилар» ва «Бола портрети» сингари тасвирий асарларини эслатиб ўтиш мумкин. Рассомнинг кейинги уч портрети Ўзбекистон рассомлари асарларининг 1935 йилда ташкил этилган III республика кўргазмасида намоиш этилди.

Уша йилнинг ўзида Москвадаги Шарқ халқлари маданияти музейининг ташаббуси билан Ўзбекистон рассомларининг асарларидан иборат кўргазма ташкил этилади. Чингиз Аҳмаров мазкур кўргазмада юқорида зикр этилган портретлари билан бирга, янги яратган колхозчилар портрети, «Акам портрети», «Спортчилар» каби расмлари ва бошқа асарлари билан фаол қатнашади. «С. Мальт, Ч. Аҳмаров, Л. Бурэ, В. Кайдалов, Е. Ермоленко, В. Гуляев ва бошқалар»нинг асарлари орасида С. Мальт, Ч. Аҳмаров, Л. Бурэларнинг ижодий намуналари алоҳида ажралиб турибди. «Булар жуда яхши рассомлар,— деб ёзилган ана шу кўргазмага бағишланган каталогнинг сўз бошида.— Ёш рассом Аҳмаров портретлар туркўми билан ўзини шубҳасиз етук рассом эканли-

гини намоён этиди»¹. Чиндан ҳам Чингиз Аҳмаровнинг ўша йиллари яратган асарлари профессионал тақини жиҳатидан юксак савиядалиги, олинган мавзунини муваффақиятли ҳал этиши, образларни ҳаётини яратиши билан жамоатчилик эътиборини қозонди.

1934 йили Самарқандда ижодий фаолиятини бошлаган ва тасвирий санъат тўғралиги раҳбарлик қилган рассом Г. Никитин талабалари билан бўлган бир машғулотида ҳозир бўлган рассом Л. Бруни² ёшлар орасида «Жуда қобилиятли санъаткор Чингиз Аҳмаров»ни ҳам учратганлиги тўғрисида маълумот беради.

Юқорида таъкидланганидек, 30-йилларда кўпгина тасвир усталари, шу жумладан, серқуёш Ўзбекистон рассомлари ҳам давр талабига жавоб бериш учун монументал санъат соҳасига дадил қўл уриша бошлашди. 30-йилларнинг бошидаёқ эътибор қозongan А. Волков, А. Подковиров, Ў. Тансиқбоев сингари тошкентлик рассомлар ҳам бор эди. Хусусан, Ўрол Тансиқбоевнинг ёлғиз ўзи, айрим ҳолларда касбдоши А. Подковиров билан ҳамкорликда монументал деворий расмлар учун эскизлар чизишади ва уни амалга оширишади. Ўрол аканинг «Интернационал», «Колхоз», «Озод хотин-қизлар» ва «Босмачилар билан кураш» сингари деворий расмларининг эскизлари 1934 йили Москвада ташкил этилган Ўзбекистон рассомларининг асарлари кўргазмасида намоён қилинди ва бу эскизлар томошабин ҳамда санъатшуносларнинг эътиборини қозонди.

Чингиз Аҳмаров ўша йиллари тошкентлик мону-

¹ Каталог выставки картин художников Узбекистана, М., 1934, стр. 7—8. (Автор таржимаси.)

² Л. Бруни 1935—1936 йилларда Тошкентдаги тўқимачилик комбинатининг бош биноси деворий монументал расмлар билан безатган рассом. Бу сўзлар унинг рафиқаси Н. Брунининг «Ўрта Осиёда 40 кун» номида кундалигида олинди. Қўлёзманинг 8—9-бетлари. (Автор таржимаси.)

менталист рассомларнинг ижодий ютуқлари билан яқиндан танишиш ниятида пойтахтга келади. Бу ерда у А. Вольков, А. Подковиров, У. Тансиқбоев, Н. Карахан, П. Шчеголёвлар билан танишади, ижодий мушоҳадалар юритади. Улар эса умидли рассомни ўз давраларига тортадилар, буюртмалар берадилар.

Бўлажак санъаткорга ҳомийлик қилган устозлар катта ижодий тажрибага эга бўлган профессионал санъаткорлар эди. Улар билан бирга ижодий тер тўкиш, тажриба алмашиш ёш рассом учун катта мактаб бўлди. Унда Урол Тансиқбоевнинг ўзига хос услуби айниқса қизиқиш уйғотди.

— Менда,— деб хотирлайди Чингиз Аҳмаров,— Урол аканинг ижоди, эҳтироси, профессионал маҳоратини яққол намойиш этувчи «Босмачиларни қўлга тушириш», «Сельмаш», «Яйлов» каби асарлари катта таассурот қолдирди. Улар гўё симфониядек ёқимли эди.

1935 йили Ч. Аҳмаров ўз севган касби бўйича олий маълумот олиш умидида Москвага боради. Машҳур совет рассоми В. Фаворский билан учрашган ёш рассом унга ўз машқларини кўрсатиб, бадний институтга кириш орзусида эканлигини изҳор қилади. Графика санъатининг атоқли намояндаси В. Фаворский Чингизнинг асарларини қизиқиш ва ҳаяжон билан кўради, уни институтнинг иккинчи курсида машғулоти бошлаши мумкинлигини айтади. Чингиз Аҳмаровнинг нияти амалга ошади. У Суриков номидаги Москва олий бадний институтининг толиб илмлари сафидан муносиб ўрин олади. Институтда унга устозлик қилган санъаткорлар орасида у Самарқандда танишган Л. Бруни ҳамда Тошкентдаги тўқимачилик комбинатига деворий расмлар ишлашда қатнашган санъаткор М. Родионовлар ҳам бор эди. Ч. Аҳмаров уч йил графика факультетида таҳсил кўргач, живопись бўлимида ўқий бошлайди. Лекин монументал санъатга бўлган қизиқиш уни тинч қўй-

майди. Институтнинг тўртинчи курсини монументал факультетда давом эттиради. Мазкур факультетда таниқли ижодкорлардан И. Грабарь, Н. Чернишев ҳамда И. Репиннинг шогирди Ф. М. Шемякинлар машғулоти олиб боришарди. Ёш рассомнинг ҳақиқий монументалист рассом бўлиб етишишида ижодкорлардан И. Грабарь ва Н. Чернишевлар билганларини аяшмади. Уни катта санъат қучоғига дадил етаклашди. Шу билан бирга устозлари монументал рассомчилик соҳасида бизда ва чет элларда эришилган зафарлар билан яқиндан таништиришди, ундан ижодий фойдаланишга йўлланма беришди. Атоқли рассом И. Грабарь бу борада ўқувчилар эътиборини назарий томонга тортса, Ғарбий Европанинг буюк санъаткорлари Рафаэль, Микеланжело, Феронезе асарларини ижодий ўрганишга жалб этса, ўзи монументалист рассом бўлган Н. Чернишев эса шогирдларини рус миллий деворий рассомчилигининг таниқли вакиллари Феофан Грек, Дионисий, Рублевлар ижоди билан танишиш, замонавий мавзуларда асарлар яратишда ўзига хос миллий услуб яратишга даъват этарди ва бунга амал қилишни маслаҳат қиларди.

Фашистлар Германияси Совет мамлакатига хиёнаткорона ҳужум қилиб, мамлакатимизнинг Ғарбий қисмидаги ерларни вақтинча оккупация қилгач, Ўзбекистонга Москва, Ленинград, Киев, Харьков ва бошқа шаҳарлардан, завод-фабрикалар қатори олий ўқув юртлари ҳам эвакуация қилинади. Жумладан, Ленинград, Киев, Харьков шаҳарларидаги олий-бадний институтлар вақтинча кўчиб келди. Самарқандда эса Суриков номи бадний институт ўз фаолиятини давом эттирди. Барча қатори институт педагоглари ва ўқувчилари ҳам «Ҳамма нарсa фронт учун!», «Ҳамма нарсa галаба учун!» шиори остида меҳнат қилишди. Қардош республикалардан вақтинча келган тасвирий санъат намояндаларидан В. А. Альфевский, С. Герасимов, В. Касиян, Д. Моор, П. Покар-

жевский, В. Фаворский, М. Шемякин ва бошқалар ватанпарварлик бурчларини адо этишга киришдилар. Улар ўзбекистонлик касбдошлари билан бирга республикамизнинг қишлоқларида, саноат ўчоқларида, ҳарбий қисм ва шифохоналарда тез-тез бўлиб, меҳнаткашлар билан ижодий учрашувлар, суҳбатлар ўтказишди. Ватан ичкарисиди ватан озодлиги учун мардонавор меҳнат қилиб, ажойиб зафарлар қучган қаҳрамонларнинг портретларини ишладилар, клуб, чойхона, шифохона, дала шийпонларни безатишда жамоатчилик асосида фаол қатнашдилар.

Ўзбекистонлик рассомлар ва қардош тасвир усталари оғир йилларда «Ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори остида меҳнат қилиш билан бирга ижодий изландилар ҳам. Жумладан, Лутфулла Абдуллаевнинг «Агитатор шимолий Тошкент каналида», Павел Беньковнинг «Қаҳрамоннинг онаси», Урол Тансиқбоевнинг «Уруш ортидан» (туркум), В. Фаворскийнинг «Порох ҳақида суҳбат», В. Рождественскийнинг «Жалолиддин Мангуберди портрети», «Маҳмуд Торобий портрети», Д. Моор, В. Альфеевский, Г. Корловларнинг фашист босқинчиларининг газандалигини фош этувчи график расм ҳамда плакатлари жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди. Бу асарларда меҳнатсевар халқимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларида ватан ичкарисиди кўрсатган буюк ишлари тасвир тили билан куйланди.

Бу умумхалқ ишида Чингиз Аҳмаров ҳам четда турмади. У Самарқандда ўқишни давом эттириш билан бирга немис фашизмнинг ғаддорлигини ифодаловчи график расмлар ишлади, асарларида ғалабамизнинг муқаррарлигини тараннум этди. У Самарқандда ҳамда шаҳар атрофида қишлоқларнинг маъмурий бинолари, клуб ва чойхоналарни, саноат ўчоқларидаги айрим биноларни деворий расмлари билан безатди. Унинг жўн бўёқларда ишлаган, кўпроқ безатувчи плакатларни эслатувчи деворий расмлари

Қизил Армиянинг жанговарлиги, ишчи ва колхозчиларнинг мардонавор меҳнати ҳақида ҳикоя қилди.

Чингиз Аҳмаровнинг бутун фикри-ёди улуғ ғалабага қаратилганлигини институтдаги фаолиятидан ҳам билиш мумкин. 1942 йили у институтни тугаллар экан, диплом иши қилиб «Ўзбекистон қиличи» номли триптихнинг яратади. Ёш санъаткор диплом ишида ўша пайт учун актуал бўлган мавзуни олади. Унда немис-фашист газандаларига қарши жангга «Етти ёшдан етмиш ёшгача» бутун халқ кўтарилганлиги, меҳнаткашларнинг фронтдагиларга буюк ғамхўрлиги, ватанпарварлиги ёрқин намоиш этилди. Композициянинг марказий қисмида отасининг қўлидан жанговар қилични олаётган ўғил тасвирланган. Ўғлига оқ фотиҳа бериб, қилич узатаётган ота ёнида йигитнинг онаси, опа-сингиллари ҳаяжонли термилишмоқда. Қилич олаётган йигитнинг бир томонида жанговар қуролдошлари. Орқароқ фонdda эса чопқир отини ушлаб турган умр йўлдоши—жувон тасвирланган. Бу эпизод — лавҳа нақадар ҳаяжонли ва ҳаётий талқин этилган. Рассомнинг ўша кезлари шундай воқеаларни кўплаб учратиши, шахсан гувоҳи бўлиши асарининг муваффақиятли яратилишига омил бўлди. Чунки, оғир дамларда серқўёш диёримизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги минглаб йигитлар махсус ўзбек отлиқ дивизияси сафида фронтга отланишганди. Бундай воқеалар бошқа тасвир усталарига ҳам илҳом бағишлади. В. Рождественскийнинг «Борил тезроқ, баҳодир дўстим, кун чиқишдан кун ботишга бор!», Б. Ҳамдамийнинг «Ўғилни кузатиш» каби плакат ҳамда расмларида шундай мавзун илгари суришган В. Рождественский ва Б. Ҳамдамийларнинг юқорида қайд этилган расмларида воқеа оддий тарзда тасвирланган, улар томошабинга «Ўзбекистон қиличи» дек завқ бағишламайди. Чингиз Аҳмаровнинг «Ўзбекистон қиличи» триптихи гарчанд бино деворида ифода-ланмаган бўлса-да, унда улуғворлик, ватанпарварлик,

кўтаринки кайфият бадий ифодасини топди. Рассом эришган ижодий муваффақиятнинг яна бир сири шундаки, у персонажларни кенг масштабда улкан тарзда тасвирлай олган. Тасвирланган кишилар осмон фонида яхлит кўзга ташланади.

Триптихнинг ўнг қисмида Гўри Амир ёнида тўпланган, халқ кўнгиллилари тасвирланган бўлса, чап томонида жангчиларга моддий ёрдам тўплаш жараёни кўрсатилган. Чуқур ватанпарварлик ҳисси билан йўғрилган, ҳис-туйғуларга тўла, ҳаётий воқеалар ифодаланган, образ ва саҳн, самимийлик, кийим-кечак ва муҳит жиҳатидан миллий руҳ билан суғорилган «Ўзбекистон қиличи» асари республика рассомларининг 1943 йили Улуғ Октябрь ғалабасининг 25 йиллигига ташкил этилган юбилей кўргазмасидан фахрли ўрин олди. Дастлабки ижодий зафарларга эришган ёш рассом ватанпарварлик мавзuida асарлар яратишни изчил давом эттирди. Унинг ўзбек халқ эпосларидаги ажойиб қаҳрамонлар — Алпомиш, Ойбарчин сингари жасурларнинг образи яратилган асарлари фикримизнинг далилидир. Рассом ўзбек халқ дostonларида куйланган ватанга чексиз муҳаббат, эл озодлиги учун кўрсатилган мардлик ва жасорат, ана шу курашда туғилган ҳақиқий дўстлик ва садоқат сингари юксак инсоний фазилатларни мужассамлаштирган Алпомиш ва Ойбарчин образларини яратиб, жангчиларимизни шундай матонат ва жасорат кўрсатишга даъват этди.

1943 йили Улуғ Ватан урушида бурилиш йили бўлди. Совет Армиясининг қақшатғич зарбаларига бардош бера олмаган фашистлар армияси Кавказ тоғлари, Волга дарёси бўйидан, Москва остонасидан келган томонларига улоқтириб ташланди. Душман вақтинча оккупация қилган шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин бўшатиб чиқиб кета бошлади. Ўзбекистонга вақтинча эвакуация қилинган олий ўқув юртлари ўз жойларига қайта бошлади. Шу жумладан,

В. Суриков номли олий бадий институтнинг талабалари Москвада таҳсил кўришга киришдилар. Шулар орасида Чингиз Аҳмаров ҳам бор эди. У бу сафар студент эмас, балки мазкур институт қошидаги аспирантуранинг талабаси эди. Ёш санъаткор бир йил ўқимасданоқ Ўзбекистонга қақирилади ва унга шарафли ва айни чоқда масъулиятли вазифа топширилади. Рассом ўша кезларда тез кўламлар билан қад кўтараётган Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет театри биносини безатиши кўзда тутилган эди.

Машҳур совет меъмори, академик А. Шчусев лойиҳаси асосида барпо этилаётган театр биносини куриш ишига Улуғ Ватан урушидан илгари киришилган эди. Машъум уруш бошлангандан кейин бу санъат кошонасини бунёд этишни вақтинча тўхтатиб туришга тўғри келди. 1943 йилда эса уни ниҳоясига етказишга қатъий киришилди. Бу бежиз эмас эди. Барча куч ва қудратимиз немис-фашист босқинчиларига қарши қаратилган кезларда муҳташам санъат кошонасини барпо этиш катта маблағни талаб этарди. Буюк ғалабага бўлган ишонч меъмор ва бинокорларни, рассом ва қўли гул халқ усталарини руҳлантириб юборди. Немис-фашист олчоқлари нодир санъат асарларининг кулини кўкка совураётган, айни кезларда совет давлатининг кўрсатган бундай буюк ғамхўрлиги қурувчиларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди.

Театр биносининг лойиҳасида унинг ички ва ташқи томонларини безаш алоҳида қайд этилган ва бу улкан режаларни амалга оширишда амалий санъатнинг турли соҳаларида танилган қўли гул халқ усталарини жалб этиш, монументал — безатувчи санъат соҳасида назарга тушган мўйқалам соҳибларини фаол ижодга тортиш кўзда тутилган эди. Санъат кошонасининг Алишер Навоий номи билан аталмиш залига бадий сайқал беришни академик меъмор

А. Шчусев таниқли рассом И. Грабарнинг тавсиясига биноан ёш рассом Чингиз Аҳмаровга ишониб топширди.

Мамлакатимиздаги энг ажойиб биноларнинг ажойиб лойиҳаларини яратиб, омманинг эътиборини қозонган буюк санъаткор А. Шчусев бинонинг асосий залига бадий сайқал беришни шу соҳанинг етук намояндаси И. Грабардан илтимос қилган эди. Атоқли санъаткор И. Грабаръ эса умидли шогирди Чингиз Аҳмаровни бу масъулиятли, айни чоқда шарафли вазифага тавсия этди. А. Шчусевнинг режасига кўра, Шарқ меъморчилик санъатининг нодир намуналарига таянган ҳолда яратилган лойиҳанинг асосий безакларида ўзбек миллий наққошлик ва ўймакорлик санъатининг энг гўзал ва нодир намуналаридан фойдаланиш, деворий расмлар ҳам ғоят нафис ва реал бўлиши кўзда тутилган эди. Муаллиф халқ усталари ва монументалистдан шундай асарларнинг эскизини талаб қиларди.

Мазкур санъат қошонасига деворий расмлар ишлайдиган мусаввир чиндан ҳам ўзбек маданияти ва санъатини, хусусан, миллий меъморчилик ҳамда халқ амалий санъатининг нодир намуналарини чуқур билган, унинг нозик томонларини илғаб олган бўлиши тақозо этиларди. Рассом олдида турган мушкул вазифалардан яна бири шунда эдики, у улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бой ижодий меросидан баҳраманд бўлган, уни чуқур тушунадиган санъаткор бўлиши ҳам кутиларди. Чунки, қошона муаллифи улуғ шоирнинг номи билан атадмиш зални Навоийнинг дostonларидаги йирик воқеалар замирида яратилишини назарда тутганди.

Бино авторининг бу юксак талабига ўша кезларда жавоб бера оладиган бирдан-бир рассом бизнингча, ҳеч муболағасиз Чингиз Аҳмаров эди. Чунки, Чингиз ёшлигиданоқ Навоийнинг асарларига ихлос қўйган, унинг дostonларини муҳаббат билан мутолаа

қилган, кўпгина сатрларни ёддан билган. Чингиз Аҳмаров Шчусев билан суҳбатлашгач, орадан кўп вақт ўтмайёқ деворий расмларнинг эскизини тақдим этади ва меъмор уни айрим тузатишлар билан маъқуллайди.

Грабаръ,— деб ёзган эди кейинчалик А. Шчусев,— рассомчиликда ажойиб маҳорат кўрсатган, Шарқ санъати анъаналарини замонавий руҳда талқин этувчи рассом Аҳмаровни менга тавсия этди. Чингиз Аҳмаров ўша кезлардаёқ расм чизиш ва асар композициясини тузишда катта қобилиятга эга эканлигини, тасвирий санъатдаги миллийликни чуқур тушуновчи, ижоди лирик ҳиссиётларга тўла, поэтик жиҳатдан туйғуларга тўлиб-тошган санъаткор сифатида менда катта таассурот қолдирди.

Чингиз Аҳмаров Алишер Навоийнинг бой ижодий меросига анча илгарироқ мурожаат этган, дostonларидаги манзур воқеалар асосида расмлар чизишни машқ қилган, бу машқлари ўзига мақбул бўлмай ташлаб қўйганди. 1941 йили улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилиши арафасида ёш рассом бу мавзуга яна мурожаат қилади. Санъаткор ижодий изланиши жараёнида асарларига қадимий бадий меросимизни ўрганиш ва татбиқ этишда улардан бевосита нусха кўчирмади, ўтмиш санъаткорларнинг бадий услубига тақлид қилмади, балки уларга ижодий ёндошиб, ўз мўйқаламига, услубига эга бўлишга интилди. Шу билан бирга Чингиз буюк санъаткорлар томонидан ўтмишда яратилган миниатюраларга ихлос билан боқди, уларнинг нозик, сирли томонларини пайқаб олишга снّدқидилдан интилди. Рассом алоҳида чизилган миниатюраларни ҳамда китобларга ишланган безакларни кўр-кўрона ўрганибгина қолмасдан, шунга онд қўлёзмаларини ҳам синчиклаб ўқиди. Шу боисдан ҳам санъаткорнинг мўйқаламига мансуб асарлар ўзининг ҳаётийлиги, бадий талқини,

композицион тузилиши, яратган образларининг ҳаққонийлиги жиҳатидан ишонарли, тушунарли, гўзал ва бадий баркамолдир.

Чингиз Аҳмаровнинг Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг шоир номи билан аталмиш зал деворларига чизган расмларида ўзбек миллий санъатидаги ёрқин ва ўзига хос тасвирий воситалар жаҳон тасвирий санъатида шу соҳада эришилган услуб ва формалар билан ижодий бойитилган. Рассом мазкур деворий расмларини уч йил давомида (1944—1947) ниҳоясига етказди ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.

Санъаткор театр биносининг биринчи қаватидаги марказий фойеда шарқлик тўрт гўзал санамнинг сиймосини акс эттирган. Ғоят нафис ва назокатли тасвирланган бу пари-пайкарлар тимсолида санъатлар симболи мужассам этилган. Бу гўзалларнинг бири рақсга тушмоқда, навбатдагиси соз чалмоқда, бошқаси эса мусаввирлик билан машғул...

Кошонанинг иккинчи қавати — Алишер Навоий номи билан аталмиш залига кўтарилар экансиз, унинг тўрт деворида тўртта композицияли расмни кўрасиз. Бу расмларда буюк шоир Алишер Навоийнинг шоҳасари «Хамса»сига кирган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» ҳамда «Садди Искандарий» дostonларидаги кульминацион воқeалар танлаб олинган. Улар энг ёрқин ва жозибали лавҳалардир. Бу нафис деворий расмларга боқар экансиз, болалик кезларингизданоқ сизга қадрдон бўлиб қолган қанчадан-қанча ҳунарларни эгаллаган, афсонавий Монийни ҳам ҳайратда қолдирадиган нақош ва мусаввир, тоштарош ва меъмор Фарҳоднинг гўзалликда тенгсиз арман маликаси Шириннинг, Лайлиси ишқида оҳ чекиб юрган Мажнуннинг, оқила, севгисига садоқатли Дилоромларнинг таниш сиймолари, уларнинг саргузаштлари кўз олдимизда бир-бир намоён бўлади. Ҳа, улуғ Навоийнинг бой ижо-

дий фантазиясининг қудратли воситаси ила ифода-ланган бу лавҳалар ҳар бир гўзаллик шайдосини ҳаяжонга солади.

Мана, деворий расмлардан бири... Қанчадан-қанча оддий тош йўнувчиларнинг оғирини енгил қилиб, улкан тошларни ҳунарининг сеҳри билан мўмийдай кесиб, халқ асрлар бўйи орзу қилган даштга сув келтираётган буюк жасорат эгаси Фарҳоднинг ҳиммати-ни кўришга ошиққан маҳбубаси Ширин канизлари билан ариқ бўйига қелган. «Ойнаи жаҳонда» кўрган, ғойибона ошиқ бўлган Ширинга нигоҳи тушган Фарҳод унга меҳр ва ҳаяжон билан термилмоқда. Кўкка сапчишга монанд турган Шириннинг остида-ги саманга, баҳодирига меҳр ва муҳаббат тўла кўзлари билан боқиб турган Ширинга разм солар экансиз, Моҳинбонунинг:

Ки бирдам мезбонлиқ расми тутсун,
Юзидан меҳмонга кўзни ёрутсун!
Лабидан жонга қилсун мезбонлиқ,
Юзидин кўзга этсун меҳмонлик!

сўзларини эшитгандек ва унга амал қилгандек, Ширин ҳам қалб сўзларини изҳор қилаётгандек ҳис эта-сиз. Мана, Навоийнинг оташзабон сўзлари:

Хиромон базм аро бўлди равона,
Ки қўзғолди хиромидан замона.
Юзинда меҳр ўтидин асарлар,
Кўзиди ашк сайлидин хабарлар.¹

Деворий расмда ифодааланган қаҳрамонлар, улар-нинг хатти-ҳаракати, чеҳралари ва имо-ишораларида акс этган ҳис-туйғулар Навоийнинг тасвирига мо-нанд келган. Аслики бу билан рассом мазкур компо-

¹ А. Навоий, Хамса. 1958 й. Т., 482-бет.

На узбекском языке

Абдулхай Умаров

ЧИНГИЗ АХМАРОВ

Редактор *Ҳ. Каримов*

Рассом *Д. Цирин*

Расмлар редактори *И. Кириакиди*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *К. Абдуллаева*

Босмахонага берилди 14.V-1973 й. Босишга рухсат этилди
17/1-1974 й. Формати 70×108^{1/32}. Босма л. 3,5. Шартли босма
л. 4,9. Нашр л. 4,62. Тиражи 3000. Р—09318. Ғафур Ғулом номи-
даги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси,
30. Шартнома № 189—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиг-
рафия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг
1-босмахонасида мелованин қозоғза босилди. Тошкент. Ҳамза
кўчаси, 21. 1974 йил, заказ № 329. Баҳоси 92 т.

Умаров А.
Чингиз Аҳмаров. Ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида очерк.
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
112 б. ил.

Санъатшунослик фаилари кандидати А. Умаровнинг мазкур китоби ЎзССР халқ рассоми, Ҳамза мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Умаров А. Чингиз Аҳмаров.

7(C52)

8—1—2—140
У—М—352—06—73 — 192—73